

Тик туришга ва қироатга қодир бўлмаган одамнинг ҳукми

05:00 / 09.01.2017 4190

Имрон ибн ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосирим бор эди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим.

У зот:

«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бавосир инсон мақъадида бўладиган машҳур касаллик.

Имрон ибн ҳусойн розияллоҳу анҳу бавосир касали бор одам намозини қандоқ қилиб ўқиши ҳақида сўраган бўлсалар ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умумий жавоб бердилар. Бунинг ичига оғир касалликлар ҳам кириб кетди. Саволда беморлиги туфайли одам тик тура олмаса, намоз ўқиши қандоқ бўлади, чунки, намозда тик туриш фарз-ку, деган маъно бор.

Жавобдан эса намозда тик турмоқ қодир бўлган киши учун фарз, деган маъно чиқади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намозга таъсир қилиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳукмини биладиган кишидан сўраб олиш лозимлиги.
2. Муайян нарсанинг ҳукми сўралса, умумий жавоб бериш мумкинлиги.
3. Намозни тик туриб ўқишга қодир бўлмаган одам ўтириб ўқиши жоизлиги. Иложи бўлса намозда ўтирганга ўхшаб чўккалаб ўтирган яхши. Бўлмаса қодир бўлганича ўтиради.
4. Намозни ўтириб ўқишга ҳам қодир бўлмаса, ётиб ўқиш зарурлиги.
5. Намознинг энг аҳамиятли ибодат эканлиги, уни тарк қилишга узр йўқлиги.

Ибн Абу Авфо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Мен Қуръондан ҳеч нарсани (ёд) олишга қодир бўла олмаяпман, менга кифоя қиладиган нарсани ўргатиб қўйинг», деди. У зот:

«Субҳаналлоҳи, валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоху, валлоху акбар ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил азийм», дегин, дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бу Аллоҳ учун, мен учун-чи?» деди.

«Аллоҳуммарҳамни варзуқни ваъафини ваҳдини», дегин, дедилар.

У ўрнидан тураётиб, қўли билан мана бундоқ қилди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аммо, мана бу икки қўлини яхшиликка тўлдириб олди», дедилар».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийи Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоху анху билан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоху анхунинг куниязари Абу Муовиядир. Бу зот ҳудайбия сулҳи, Ризвон байъати, ҳайбар ғазоти ва бундан бошқа маъракаларда иштирок этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафот этгунларича Мадинада яшадилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Куфага кўчиб ўтиб, ана шу ерда истиқомат қилдилар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисларини, Исмоил ибн Абу Холид, Абдулмалик ибн Умайр, Саома ибн Куҳайл, Шаъбий, Абу Исҳоқ, Шайбонийлар ривоят қилишди.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоху анху ҳижратнинг 86-йили Куфада вафот топдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бу Аллоҳ учун, мен учун-чи?» дегани, бу ўргатган нарсангиз Аллоҳнинг зикридан иборат, мен ўзим учун сўрайдиган нарсам қани дегани.

«У ўрнидан тураётиб, қўли билан мана бундоқ қилди» дегани, икки қўлини кўтариб ҳар бир калимани айтганда бир панжасини юмди ва охирида ҳаммасини жамлаб, ёдлаб олдим, деган ишорани қилди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Умуман Қуръон ёдлашга қодир бўлмаган одамдан ҳам намоз соқит бўлмаслиги.
2. Қуръон ёдлашга қодир бўлмаган одам намозни қандоқ адо қилиш йўлини ахтариши зарурлиги.
3. Қуръондан керагича ёд олгунга қадар бошқа зикрни айтиб намоз ўқиб туриш лозимлиги. Умуман ёд ола билмаса, доимо ўша зикрни айтиш.
4. Намозда қилинадиган зикрни Аллоҳ учун ва банда учун қисмлари бўлиши.
5. Қуръон ёдлай ололмай намозда унинг ўрнига бошқа зикр айтган одам ҳам яхшиликка эришиши.

ҳанафий мазҳабида Фотиҳа сурасини ўқишдан ожиз одам уни ёдлаб олгунга қадар ўз тилида маъносини ўқиб турса ҳам жоиз, дейилган.